# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 70 (8.805) ◆ 1996 йил ◆ 14 июнь, жума ◆ Сотувда эркин нархда


# ҚАШҚАДАРЁ ЯНГИЛАНИШ ЙЎЛИДА

Аввал хабар қилинганидек, 11 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қашқадарё вилоятида бўлди.

Қашқадарё мамлакатимизнинг ҳам ҳудудий, ҳам иқтисодий салмоқ жиҳатидан йирик вилоятлардан бири. Қадимий тарих, бетакрор урф-одат ва анъаналарга эга юрт. Тупроғи зар, халқи заргар бу ўлканинг барча бойликлари тинимсиз меҳнат, мислсиз сабот-матонат билангина вужудга келади. Қашқадарёнинг оғир иқлим шароити — чўл шамолию жазирама қуёши доимо сафарбар бир вазиятда ишлашни тақозо этади.

Маълумки, ўтган йил ноябрь ойида Қашқадарё вилоят сессияси бўлиб ўтган эди. Бу анжуманда давлатимиз раҳбари вилоятдаги ислоҳотлар жараёнини батафсил таҳлил қилиб, ютуқ ва камчиликларни холисона кўрсатган, нуқсонларни бартараф этиш юзасидан аниқ йўл-йўриқ ва топшириқлар берган эди.

Орадан етти ой ўтиб, вилоятдаги бугунги аҳвол, меҳнаткашларнинг турмуши билан яқиндан танишиш мақсадида Президент бу ерга махсус ташриф буюрди.



*СУРАТДА: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Қашқадарё вилоятига ташрифи пайти.*

*Ф. Қурбонбоев (ЎзА) олган сурат.*

Мамлакат раҳбарининг мазкур вилоятга айрича меҳри борлиги маълум. Бу ерда биринчи раҳбар лавозимида ишлаган пайтларида Ислом Каримов Қашқадарёнинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан равнақ топиши учун катта хизмат қилган. Инсоннинг ўз меҳнати сингган жойлар эса унга ҳамиша азиз ва қадрлидир. Шу боис ҳам вилоятдаги яхши, савобли ишлардан энг аввало Президент қувонади, рўй бераётган нуқсону хатолардан ҳам биринчи бўлиб куюнади, ранжийди. Қашқадарёни ҳамиша пешқадам, ҳамиша илғор ва ўрнак бир мавқеда кўришни истайди. Қашқадарё аҳли ҳам буни теран ҳис қилади. Шунинг учун ҳам Ислом Каримовнинг вилоятда хизмат қилган пайтида намоён этган олижаноб бунёдкорлик фаолиятини улар ҳамиша эҳтиром билан тилга оладилар, ундан кейин раҳбар бўлиб келганларнинг ишини ҳам айни шу мезон билан баҳолайдилар.

Бинобарин, Қашқадарёда биринчи раҳбар бўлиш осон эмас. Вилоят зиммасидаги юкнинг салмоғи бир тарафу, оддий халқнинг боягидек қиёсий муносабати ҳам бир тараф.

Бугун Қашқадарё катта орзу-умидлар, улкан режалар билан яшамоқда. Бу йил вилоят бўйича 740 минг тоннадан зиёд ғалла маҳсулоти, 420 минг тонна пахта етиштириш мўлжалланган.

Қамаши туманидаги «Чим» жамоа хўжалигига қарашли Қўчқор Раҳмонов бошлиқ бригада пахтакорлари билан суҳбатда Президент пахтачилик муаммолари, ғўза навларини районлаштириш, деҳқон меҳнатини муносиб баҳолаш, контрактация масалалари ҳақида ўз фикрларини баён қилди.

Мамлакатимизда ғалла мустақиллигига эришиш бугуннинг энг муҳим вазифаси бўлиб турибди. Бу борада, айниқса, Қашқадарё вилоятининг ўрни катта. Вилоятнинг бепоён ғаллазорларида авжи саратон кунларида арпа, буғдой ғарқ пишиб етилди. Баъзи жойларда эса ғалла ўрими жадал бошлаб юборилди.

Шаҳрисабз туманида жойлашган Жўра Элбоев номидаги жамоа хўжалигининг Тиловқобил Туробов бошчилик қилаётган бригада далаларида етиштирилган мўл ҳосил кишининг кўзини қувонтиради, эртанги кундан кўнгилни тўқ қилади. Зеро, янги ҳосил — янги орзу-ниятлар дебочасидир.

Ана шу бригада даласида батафсил суҳбат бўлди. Гап асосан ризқ-рўзимиз — дон маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш хусусида бўлди. Ҳосилдорликни қандай қилиб ошириш мумкин, алмашлаб экишни қай йўсин ташкил этмоқ керак, бунда пахта ва ғалла экинларининг нисбатини қандай меъёрда сақлаб қолиш зарур, деҳқон рўзғорининг муаммолари, унинг даромадини ошириш, қишлоқ аёлларининг оғирини енгил қилиш каби жуда кўп масалалар юзасидан Президент хўжалик меҳнатчилари, мутахассислар, раҳбар ходимлар билан қизғин фикрлашди, баҳсу мунозаралар қилди.

Сир эмаски, ҳозир иқтисодиётимизнинг кўпгина соҳалари, жумладан, пахтачилик, ғаллачилик, пиллачилик тармоқларида ечимини кутаётган бир қанча муаммолар мавжуд. Вилоятнинг бир қанча туманлари ҳокимлари иштирокида ўтказилган учрашувларда мазкур масалалар атрофлича муҳокама этилди.

Яккабоғ туманида Жума Михлиев номидаги ширкат хўжалиги бор. Ана шу хўжаликнинг буғдойзорларида гуриллаб ишлаб турган яп-янги комбайнлар Президент эътиборини ўзига тортди. Американинг машҳур «Кэйс» фирмаси ишлаб чиқарган буғдой ўриш комбайнларининг дастлабки туркуми Қашқадарё далаларида ишлатилмоқда. Бу машинанинг бошқа комбайнлардан афзалликлари хусусида бевосита механизаторлар фикрини эшитгач, Ислом Каримов бу ажойиб машинага беҳад қизиқиб қолди, ҳатто кабинага ўтириб, унинг ишлашини ўз кўзи билан кузатди. Ҳар жиҳатдан қулай, иш унуми бир неча бор юқори бўлган бу комбайнларнинг кабинаси чанг-тўзондан, иссиқ-совуқдан пухта муҳофаза қилинган, ҳатто кондиционери ҳам бор.

Биз мамлакатимизда тинчлик-барқарорлик ҳукмрон, деган сўзларни кўп такрорлашга ўрганиб қолганмиз. Бироқ бу сўзларнинг асл мазмуни, чуқур маъносини меҳнаткаш одамлар, оддий фуқаролар билан юзма-юз учрашганда, уларнинг дилидаги фикрлар билан ошно бўлгандагина англаб етиш мумкин экан. Президент билан бўлган учрашувлар чоғида кўча-кўйларда, бозору майдонларда, далаларда одамлар бир фикрни қайта-қайта таъкидлаб айтишди: бугун юртимизда қийинчиликлар, ўзига яраша машаққатлар йўқ эмас. Аммо уларнинг барчасига бардош бериш мумкин. Фақат нотинчлик, низо-адоват, адолатсизлик бўлмасин. Ҳеч кимсанинг бегуноҳ бурни қонамасин.

Шунинг учун ҳам халқ бугунги тинчлик сиёсатининг моҳиятини теран тушунади ва муносиб қадрлайди.

«Бугун янги кўйлак киймасак эртага киярмиз, лекин бугун мустақилликни бой бериб қўйсак, қайтиб қўлга киритолмаймиз», дейди шаҳрисабзлик деҳқон.

«Худо сизнинг куч-қувватингизни асло кам қилмасин, доим зиёда қилсин, болаларимиз бахтига тинчликни сақлаб турибсиз», дейди қамашилик момо.

«Ҳали мустақилликдан умидимиз катта, ортга қайтиш йўқ», дейди чироқчилик ғаллакор.

«Сиз йигирма икки миллион жоннинг ташвишини қилиб кечаю кундуз тинмай ҳаракат қилиб етибсиз. Мана, мен ҳам мисоли бир хонадон бошлиғи. Оила катта — невара-чевара билан йигирма беш жонмиз. Баъзан шу рўзғорни эплаш қийин бўлиб қолади. Шундай пайтда Сизнинг ишларингизни, бу халқим деб куйинишингизни эслаб, э, отасига раҳмат шу одамнинг, деб юбораман», дейди яккабоғлик нуроний оқсоқол Алимардон ота Холиқов.

Шу билан бирга мулоқотлар чоғида одамлар дилидаги дардларини Президентга ошкора айтишди: тезроқ арзончилик бўлса, ҳар бир рўзғорда фаровонлик бўлса...

Албатта, бугун Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсат, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бош мақсади — халқимизнинг турмуш даражасини яхшилаш, унга муносиб шарт-шароит яратиб беришдан иборат, деди Президент бундай фикрларга жавобан. Аммо бозор иқтисодиёти шароитида нарх-навони оддий истак ёки буйруқ билан белгилаб бўлмайди. Ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, бозорларни мўл-кўл моллар билан тўлдириш, ўз корхоналаримиз, ўз далаларимизда кўп ва сифатли маҳсулот етиштириш билангина тўкис турмушга эришиш мумкин. Ўзбекистон раҳбариятининг ўтиш даврига мўлжаллаб тузилган иқтисодий дастурида аҳолини ижтимоий жиҳатдан кучли муҳофаза қилишга биринчи даражали аҳамият берилган. Бинобарин, биз нарх-навони назорат қилиш эмас, балки аҳолининг реал даромадларини, иш ҳақи ва пенсияларни ошириб бориш йўли билан мазкур муаммоларни ҳал қила борамиз. Бу масалани одамлар онгига етказиш, муаммо моҳиятини тўғри тушунтириш зарур, деб таъкидлади Президент.

Ислом Каримов қаердаки ёшлар билан учрашар экан, доимо уларнинг ҳаёти, орзу-истаклари, маиший-маданий шароитлари ва албатта, спортга муносабатлари билан қизиқади. Шаҳрисабзлик бир гуруҳ ёшлар билан мулоқот чоғида ҳам шундай бўлди. Бошда қишлоқ ёшларига хос жиндай тортинчоқлик қилиб турган йигит-яланг бир оздан сўнг Президентнинг самимий сўзлари, беғараз ҳазил-мутоибаларидан тетикланиб, саволларга дадил-дадил жавоб қайтара бошлади. Табиийки, уларнинг барчасини эртанги кун — истиқбол қизиқтиради. Шу боис ҳам ёшлар давлатимиз бошлиғининг сиёсий фаолиятини, хусусан, унинг дунёнинг турли томонларига янги-янги йўллар очиш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашларини изҳор қилдилар. Чунки бу ёшлар ва уларнинг юзлаб-минглаб тенгдошлари эртага Президент Ислом Каримов очган йўллардан жаҳон майдонига чиқадилар, Ўзбекистон довруғини олам узра таратадилар.

Қашқадарё — Амир Темур дунёга келган табаррук тупроқ. Бинобарин, бу ерда юбилейга тайёргарлик ишлари катта миқёс ва катта масъулият билан олиб борилмоқда. Ҳадемай, ер юзининг тўрт томонидан соҳибқирон таваллуд топган юртни зиёрат қилишга беҳисоб меҳмонлар келишади. Юбилей тантаналарининг асосий қисми ҳам шу жойда ўтказилиши кўзда тутилган.

Шу муносабат билан Шаҳрисабз шаҳридаги Оқсарой тарихий ёдгорлиги қад кўтарган майдонда Амир Темурнинг муҳташам ҳайкалини ўрнатиш, соҳибқирон номи билан аталувчи хиёбон барпо этиш мўлжалланган. Ҳайкал лойиҳаси ва бўлғуси иншоотларнинг тарҳ-режаси билан танишиш жараёнида Президент бир қанча муҳим фикр-мулоҳазалар билдирди.

Амир Темур — нафақат Турон, Туркистон, Ўзбекистон заминининг, балки инсониятнинг энг улуғ даҳоларидан биридир, деди Президент. Демак, унинг тарихий образи, тарихий сиймосини яратиш ишига жуда катта меҳр ва масъулият билан ёндашмоқ шарт. Менинг назаримда, юртимизда бу улуғ аждодимиз шарафига бунёд этилаётган ва этиладиган ёдгорликларда у зотнинг қиёфаси шундай акс эттирилиши керакки, уни кўрган одам, ҳайкал қаерда ўрнатилганидан қатъи назар, соҳибқирон бобомизни бехато таниб олсин. Шунинг учун шахсан мен Амир Темур ҳайкалларини, унинг ҳаётий даврлари, яъни болалик, ёшлик, кексалик палласи тарзида тасвирлаш таклифига тарафдор эмасман. Амир Темур деганда киши кўз ўнгида яхлит, улуғвор, тенгсиз азму шижоат соҳиби бўлган буюк инсон сиймоси гавдаланмоғи лозим.

Маълумки, Амир Темур умр бўйи янги-янги ғоялар ва уларни рўёбга чиқариш билан машғул бўлган беназир шахсдир, деб фикрини давом эттирди Ислом Каримов. Унинг нигоҳи ҳамиша олис уфқларни қамраб олган, хаёли жаҳоний миқёсларни забт эта билган. Демак, соҳибқирон бобокалонимизга ҳайкал қўяётганимизда мана шу жиҳатларига ҳам алоҳида эътибор бериш зарур. Ҳайкал олдидаги майдонда Амир Темурга хос бағрикенглик ва улуғсифатлик фазилатларини бўрттириб кўрсатиш учун кенглик, очиқлик бўлиши даркор. Ҳайкал атрофида барпо қилинадиган боғ ҳам Амир Темур замонидаги боғларга ўхшаши керак. Бу боғларда асрлар давомида мағрур қад ростлаб турадиган чинорлар экиш керакки, улар соҳибқирон шахсининг нақадар муаззам ва буюклигига ёрқин тимсол бўлиб хизмат қилсин, деб таъкидлади Президент.

Сўнгра Ислом Каримов Қарши шаҳридаги марказий футбол стадиони, янгитдан қурилаётган катталар ва болалар учун мўлжалланган сузиш бассейнларини бориб кўрди, бозор қурилишини кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқ ва маърузаларида, суҳбат ва мақолаларида, юртдошларимизни доимо жаҳон ҳамжамиятидан андоза олишга даъват қилади. Ҳар бир соҳада дунёдаги энг гўзал, энг қудратли, энг мустаҳкам андозалардан ўрнак олишга чорлашдан асло чарчамайди. Қарши шаҳридаги зикр этилган иншоотлар билан синчиклаб танишар экан, Президент майдонга ётқизилган чим майсанинг сифатидан тортиб бассейннинг тубидаги бетон қопламага қадар диққат қилиб, ўз фикрини билдирди.

Нима учун биз бу ишларни худди Англиядагидек, Германиядагидек, Япониядагидек қила олмаймиз? Бизнинг улардан нима камчилигимиз бор? Наҳотки, уларнинг қўлидан келган ишлар бизнинг қўлимиздан келмаса? Албатта қўлимиздан келади. Фақат кўпроқ кунт ва ҳафсала керак, ўзимизни жаҳоний андозаларга чоғлаб, ижодий фикр қилиш керак, деди Президент.

Чиндан ҳам, аввалари қилган қурилишларимиз, бино этган иншоотларимизда ҳеч қачон бундай талаб қўйилмас эди. Биздан талаб қилинадигани «объектни» амал-тақал қилиб навбатдаги октябрь байрамими, КПСС съездими, шунга тўғрилаб топшириш эди, холос. «Жаҳон андозалари» деган гапнинг ўзи бизга бегона эди, ғайритабиий туюлар эди. «Мендан кетгунча, эгасига етгунча» деган тушунча, ғайратимиз, ўқув ва малакаларимизни буткул бўғиб ташлаган эди.

Бугун энди ҳаётнинг ўзи бизнинг барча соҳаларда дунёвий тафаккур, замонавий жаҳон мезонлари билан фаолият юритишимизни тақозо қилмоқда. Юртимизнинг барча шаҳар-қишлоқларида, жумладан, Қашқадарёда ҳам ана шу ҳаётий ҳақиқат кун сайин чуқурроқ англаб борилмоқда. Бу эса жамиятни тубдан ислоҳ қилиш жараёнида эришилган энг муҳим натижалардан биридир.

(ЎзА).

*Янги нашрлар*

## «ИСЛОМ КАРИМОВ — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ»




Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг «Ўзбекистон» нашриёти Австриянинг Вена шаҳрида чоп этилган Леонид Левитиннинг Дональд С. Карлайл билан ҳамкорликда ёзган «Ислом Каримов — янги Ўзбекистон Президенти» китобининг ўзбекча нашрини босмадан чиқарди.

Бу китоб ўзига хос йўлни танлаган мустақил Ўзбекистонимиз Президентидай йирик сиёсий арбоб шахсига, республикамизда кечаётган ўзгаришлар жараёнига холисона, янгича қарашлар асосида ёндашилган муҳим тадқиқотдир. Китобда Ислом Каримовнинг ички ва ташқи сиёсатдаги изчил фаолияти, дунёқарашидаги ўсиш ва юксалиш жараёнлари бир уйғунликда таҳлил этилади.

Ҳақиқатан ҳам, жамиятдаги соғлом кучларни жипслаштира олган, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий барқарорликни таъминлай билган ёш мамлакатнинг тажрибаси кўпчилик учун ибратлидир.

Китобни Тошкентдаги матбаа комбинати чоп этди.

## БУГУНГИ КУН «ТО» «ТО» НАФАСИ

### МАМЛАКАТИМИЗДА

❑ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кеча Миср иқтисодиёт ва халқаро ҳамкорлик вазири Навал Абдул Мунайм ал Татавий хонимни ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Жак де Ларозьер раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

❑ Мамлакатимизга келган Польша Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари, молия вазири Гжегож Колодко Бош вазир ўринбосари, республика Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси Виктор Чжен билан учрашди.

❑ «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни амалга киритилди.

❑ Президент девони Ахборот марказида журналистлар Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси А. Ҳабибуллаев ва Қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари А. Скоробогатко билан учрашиб, Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қароридан келиб чиқадиган вазифалар юзасидан мулоқот ўтказдилар.

❑ Бельгиядан келган амалий доираларнинг 60 га яқин вакили иштирокида Тошкентда Ўзбекистон — Бельгия ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига бағишланган бизнес-семинар ўтказилди.

❑ Янги «Абн-амро банк МБ Ўзбекистон» қўшма банки ташкил этилди. Нидерландиянинг Абн-амро банк, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Жаҳон банки ҳамда Ўзбекистон Ташқи иқтисодиёт миллий банки низом жамғармаси 10 миллион АҚШ доллари миқдоридаги мазкур банкнинг таъсисчилари бўлдилар.

### ҲАМДЎСТЛИКДА

❑ 16 июнь куни Россияда президент сайловлари бўлиб ўтади. Давлат раҳбари лавозимига 10 номзод кўрсатилган. Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган ўн биринчи номзод — Омон Тулеев ўз номзодини коммунистлар етакчиси Геннадий Зюганов фойдасига олди.

❑ Бугун Чеченистонда парламент — Халқ кенгашига сайловлар бошланди. У 16 июнгача давом этади.

❑ Қозоғистон парламенти яширин овоз бериш йўли билан мамлакат ҳукуматига ишонч билдирди. Бу ҳукумат томонидан тайёрланган пенсия тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳам қабул қилинганини билдиради. Ушбу қонунга мувофиқ эндиликда қарилик бўйича пенсияга эркаклар 63 ёшда, аёллар эса 58 ёшда чиқадиган бўлдилар.

❑ Душанбеда БМТ Бош котибининг махсус вакили Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов билан учрашгандан сўнг Тожикистон ҳукумати ва муҳолифатчилар ўртасида узилиб қолган музокаралар Ашхободда июль ойи бошларида давом эттирилиши мўлжалланаётганлигини маълум қилди.

❑ Бугун Москвада Тоғли Қорабоғ муаммосини ҳал этиш юзасидан Озарбайжон билан Арманистон ўртасидаги музокараларнинг навбатдаги босқичи бошланади.

❑ Элистада шахмат бўйича жаҳон биринчилиги учун Анатолий Карпов билан Гата Камский ўртасидаги тўрт учрашувдан сўнг ҳисоб 2,5:1,5 бўлди. Олдинда Анатолий Карпов бормоқда. Бугун бешинчи ўйин ўйналади.

### ХОРИЖДА

❑ Брюсселда мудофаа вазирлари даражасида НАТОнинг навбатдаги сессияси бошланди. Унда бу блокка аъзо 16 мамлакат мудофаа вазирлари билан бир қаторда Россия ҳарбий маҳкамасининг раҳбари Павел Грачев ҳам иштирок этяпти.

❑ Исроилнинг Бош вазири Бенжиамин Нетаньяху ўзининг июнь ойи охирига мўлжалланган АҚШга ташрифини кечиктирди. Исроилнинг янги ҳукумати Яқин Шарқдаги тинчлик жараёни юзасидан ўз нуқтаи назарини аниқ белгилаб олиш учун у шундай қарорга келди.

❑ Финляндия Президенти Европада хавфсизлик масалалари бўйича Европа Иттифоқи, АҚШ, Россия иштирокида олий даражадаги учрашувни ўтказиш таклифи билан чиқди.

❑ Камбоджадан олинган маълумотларга кўра, «қизил кхмерлар»нинг раҳбари, 68 ёшли Пол Пот безгак касаллигидан вафот этган. У 1975-1978 йилларда Камбоджага раҳбарлик қилган пайтда мамлакат аҳолисининг қарийб 3 миллион нафари қириб ташланган эди.

# ЎЗБЕКОНА МЕҲМОННАВОЗЛИК ВА ЕВРОПАЧА ХИЗМАТ МАДАНИЯТИ

## «Амир» бар-ресторанига келганларни кутади. У кеча Тошкент марказида ўз эшикларини очди.

Атиги бир ярим ой ичида касаба уюшмаларининг собиқ ошхонаси худди Европадаги емакхоналар қиёфасини олди. Бу ерда стол ва стуллар бевосита кўчада, енгил тимлар остига қўйилган. Дастлабки хўрандалар эса аъло хизмат маданиятига, ажойиб қаҳва ва музқаймоққа ўз баҳоларини бердилар. Жазирама кунларида «Амир»да таклиф этилаётган Голландия пивоси ҳар қандай чанқоқни боса олади.

Ресторан ичкарисига кирсангиз, унинг бежиримлигининг гувоҳи бўласиз. «Маркс» тижорат фирмаси бунинг учун астойдил изланганини сезилиб турибди. Айниқса дизайнчи Михаил Киселовнинг хизматларини таъкидлаш даркор.



Бу ерга ўрнатилган Исроилнинг ҳаво совутгичлари иқлим мўътадиллигини таъминлайди. Ресторан ўзига хос ёритилади. Хизмат қилувчилар хушмуомалалилиги билан ажралиб туради. Бу ерга кирувчилар буюртмаларини инглиз тилида ҳам бера оладилар. «Амир»га қабул қилинган ходимлар жиддий танловдан ўтганлар. Улар ёқимли кўринишга эга бўлишлари билар бир қаторда, жуда хушмуомалаликларини ва чет эл тилларини билишларини исботлашлари керак эди.

Ресторанниг мусиқавий дастури ҳам эътиборга молик. Сиз бу ерда ўзингиз хоҳлаган куйни ресторан оркестри мусиқачилари ижросида тинглашингиз мумкин.

Жуда моҳир ошпазлар эса хўрандаларни Европа таомлари тайёрлаш маҳорати билан сеҳрлай оладилар. Бу ерда янги келтирилган денгиз маҳсулотлари билан жуда ноёб ичимликлар ҳам бор.

«Амир»га келувчиларни ғоят қизиқарли кўнгилочар томошалар ҳам кутмоқда. Бир сўз билан айтганда у юқори даражадаги ресторандир. Ўзбекистонлик тадбиркорлар шундай бўлиши учун жуда ҳаракат қилдилар. Унинг номланиши ҳам бу йил мамлакатимизда кенг нишонланаётган Буюк соҳибқироннинг 660 йиллигига ҳамоҳанг бўлди. Ресторан дам олиш кунисиз соат 12 дан кеч оқшомгача ишлайди.

*СУРАТДА: «Амир» ресторани эшикларини очди.*

*Р. Ходиевич олган сурат.*

*Европа биринчилиги*

## АНГЛИЯ МАЙДОНЛАРИДАГИ ЖАЗИРАМА

Англия футбол майдонларидаги курашлар тобора қизғин тус олмоқда. Ўйинлар натижаси ва ғолиблик қайси жамоага насиб этиши ҳақида ғоятда турли-туман фикрлар билдириляпти. Шу мақсадда ҳатто бир неча аср олдин яшаб ўтган машҳур башоратчи Нострадамуснинг фикрларидан ҳам ушбу улкан воқеага оид маълумотлар изланмоқда. Шу кунгача ўтказилган ўйинларнинг натижалари эса қуйидагича бўлди:

**А гуруҳи:**
Англия — Швейцария — 1:1
Голландия — Шотландия — 0:1

**В гуруҳи:**
Испания — Болгария — 1:1
Руминия — Франция — 0:1

**С гуруҳи:**
Германия — Чехия — 2:0
Италия — Россия — 2:1

**Д гуруҳи:**
Дания — Португалия — 1:1
Туркия — Хорватия — 0:1

Кечаги ўйиннинг натижалари: Болгария — Руминия — 1:0

Бугун Чехия — Италия ҳамда Туркия — Португалия жамоалари майдонга тушадилар.

*Мустақиллик мевалари*

# ТИЛ БИЛГАН — ЭЛ БИЛАДИ

***Юртимиз истиқлолга эришганидан сўнг ўтган нисбатан қисқа муддат ичида ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг турли жабҳаларида улкан ижобий ўзгариш, янгиликлар юз берди. Ватанимизнинг кенг имкониятлари, бой маданияти ва тарихига бутун дунёда қизиқиш тобора кучаймоқда. Энг машҳур, номдор хорижий фирмалар, ўқув юртлари биз билан ҳамкорлик қилиш истагини билдираётганликлари бунинг исботидир. Айниқса, ижтимоий ҳаётимиздаги кўплаб ижобий ҳодисаларга «Марказий Осиёда биринчи», «МДҲ давлатлари ичида илк бора» дея таъриф берилаётганлиги жуда қувонарлидир. Ҳа, кўҳна ва навқирон мамлакатимиз ўзининг азалий шон-шуҳрати, мавқеини қайта тикламоқда. Бу қадим тупроқ шундай муқаддаски, унда жаҳон тан олган не-не оламшумул алломалар, фозилу фузалолар етишиб, яшаб ўтишган. Боболар шаънига мос авлод бўлиб камол топиш, уларнинг анъаналарини давом эттириш бугунги ёшларимизнинг энг олий вазифаси, бурчи ҳисобланади. Тошкент Давлат жаҳон тиллари университетининг таржимонлик факультетида бўлганимизда хаёлдан ана шундай фикрлар ўтди.***

***Таржимонлик факультетининг декани, доцент Омонжон Мўминов шундай дейди:***

— Юртимизнинг дунё мамлакатлари билан алоқалари кучайгани сайин таржимонлар, жаҳон тиллари бўйича мутахассисларга бўлган талаб ҳам ошиб бормоқда. Шу сабабли университетимиз раҳбариятининг қарорига кўра алоҳида таржимонлик факультети очилди. Тўғри, илгари турли тиллар бўйича филология факультетлари бор эди, аммо уларда таржимонлик йўналишида махсус ўқитилмас эди. Мана, икки йилдан буён факультетимизда танлов асосида сараланган энг иқтидорли 620 нафар талабага 15 та хорижий тил бўйича махсус таълим берилмоқда. Уларга бўлган талаб ҳозирданоқ жуда юқори. Талабаларимиз турли спорт мусобақалари, хорижий меҳмонлар билан учрашувлар, ҳар хил тадбирлар, шунингдек элчихоналар фаолиятида ҳам ўз соҳалари бўйича қатнашяптилар. Наврўз тантаналари чоғида Хитой элчиси билан учрашув уюштирган эдик. Унинг нутқини биринчи курс талабаси Фарҳод Нурмуродов шундай маҳорат билан таржима қилдики, элчи азбаройи миннатдорлик тариқасида уни бир йил Хитойда таълим олиш учун шахсан йўллади. Шунингдек, Зиёдулла Ризаев, Икром Мамадалиев, Баҳодир Шарипов каби иқтидорли талабаларимиз ҳам Чин мамлакатида билим олмоқдалар. Бошқа кўплаб мамлакатлардаги ўқув юртлари билан ҳам шу тариқа алоқаларни йўлга қўйганмиз.

**— Талабаларингиз билим олиш, касб тақозоси билан турли чет мамлакатларда бўладилар. Улар хорижда мустақил Ўзбекистоннинг муносиб вакиллари сифатида миллий қадриятлар, урф-одатларимиз ва шарқона одоб-маданиятни намойиш этишлари лозим...**

— Албатта, ўқув жараёнида ушбу муҳим талабга алоҳида эътибор берилади. Факультетимизда ўтказиладиган турли мусобақа, кечалар ва маданий тадбирларда асосий талаб — тарихимиз ва маданиятимизга оид билимлардан иборат бўлади. Йил бошида ўтказилган «Ёр-ёр» ва миллий қадриятлар кўрик-танловида университетимиз талабалари жамоаси шаҳар бўйича энг олий ўринни эгаллаганлиги ҳам бизда ушбу масалага қанчалик эътибор берилаётганлигининг далилидир. Айниқса, соҳибқирон бобокалонимиз Амир Темурнинг 660 йиллиги нишонланаётган йилда жуда кўп тадбирларимиз ул зот ҳаёти ва фаолиятига бағишланмоқда. Талабаларимиз турли тилларда Амир Темур ҳақида назорат ишлари ёзаяптилар. Хитойда ўқиётган йигитларимизнинг айтишларича, улар қандайдир танловда ғолиб чиқишиб, яхшигина мукофот олганлар. Сўнг ўша мукофот ҳисобидан дастурхон ёзиб, ош дамлаб, барча сабоқдошлари, ўқитувчиларни таклиф этишибди. Бу ҳам миллий қадриятларимиздан бири — ўзбекона меҳмондўстликнинг намойиш этилиши-да!

**— Тил ўрганишда амалий машғулотларнинг аҳамияти катта. Факультетда ўқитиш усуллари қандай?**

— Хорижий мамлакатларнинг элчихоналари ва ушбу давлатлардаги машҳур университетлар билан узвий алоқалар йўлга қўйилган. Биз факультетда хорижий тил марказларини очганмиз. Ўз навбатида улар бизга техник жиҳозлар ва ўқув дарсликлари билан кўмак берадилар. Шундай ўзаро алоқанинг натижаси ўлароқ, компьютер ва лингафон ускуналари билан жиҳозланган алоҳида ўқув зали ташкил этдик. АҚШ, Англия, Хитой ва бошқа мамлакатлардан келган мутахассислар тил гуруҳларимизда дарс беришади. Улар билан ҳамкорликда турли дарсликлар, ўқув қўлланмалари яратиляпти. АҚШлик мураббийлар Стив Кук, Жозеф Гарнер, Дебора Рид ва англиялик Кристина хонимлар биздаги ўқитиш тизими ва талабаларимизнинг иқтидорига юқори баҳо бердилар.

**Саиджон Ҳожиев, француз тили ўқитувчиси:**

— Франглар азалдан халқимиз ва тарихимизга катта қизиқиш билан қараганлар. Буюк алломаларимизнинг кўплаб асарлари Оврўпода энг аввало фаранг тилига таржима қилинган. Биз эса шу пайтга қадар фаранг ёзувчиларининг асарлари билан асосан русча таржималар орқалигина таниш эдик. Ҳозир француз тилидаги адабиётларни аслиятдан таржима қилиш учун махсус гуруҳлар тузилиб, таржимон олимларимиз Носир Қамбаров, Матлуба Худойбергановалар Республика Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда иш олиб боришмоқда.

**Озод Кўчканов, немис тили мутахассислиги бўйича 4-курс толиби:**

— Чет тилини ўрганиш осон эмас. Бунинг учун энг аввало ўз она тилимизни чуқур билишимиз зарур. Немис элчихонасининг кўп тадбирларида қатнашяпмиз. Улар бизнинг маданиятимиз, тарихимизга жуда қизиқишади. Шунинг учун ўқишни тугатгач, қаерда бўлсам ҳам ушбу масалани доимо эсда тутаман.

**Ғайрат Тожибоев, инглиз тили таржимонлиги, 2-курс:**

— Университетимизда ижодий фаолият учун кенг имкониятлар бор. «Менинг биринчи китобчам» танловида биринчи ўринни олдим. Орзуим — Жек Лондон ва бошқа инглиз адибларининг ҳикояларини аслият (оригинал) бўйича тўғридан-тўғри таржима қилиш.

Факультетдан қайтаётиб, турфа хил деворий газеталарни кўздан кечирдик. Уларнинг кўпчилиги соҳибқирон Амир Темур таваллудига бағишланган бўлиб, Хитой иероглифидан тортиб, араб, грек, япон, немис, малайзия, голланд... ёзувлари, тилларида битилган. Талабалар уларни ўқиб, ўша тилларда ўзаро сўзлашяптилар.

Бахтиёр ХАЙДАРОВ.

*«Гул байрами» анъанага айлансин*

# ТАБИАТНИНГ ДИЛБАР ҚИЗИ



***Гул қувонч, нафосат, дўстлик, меҳр-муҳаббат, тинчлик рамзидир. У одамнинг кайфиятини яхшилайди, руҳини кўтаради, илҳом ва завқ-шавқ бахш этади. Орамизда анвойи гулларга ошуфта боқмаган, улардан лаззатланмаган киши топилмаса керак. Ҳатто кишилар яшаб турган уйларининг ички деворларига ҳам гўзаллик рамзи сифатида гул расмини туширганлар.***

Жумладан, санъат соҳиблари буюк соҳибқирон Амир Темур саройлари деворларига боғлардаги хилма-хил гуллардан шунчалик усталик билан андоза олганларига қараб ниҳоятда ҳайратланасан киши.

Одамзоднинг гулларга бўлган шайдолиги жуда қадим замонлардан буён давом этиб, қон-қонига сингиб кетган. Тарихий маълумотларга кўра, Амир Темур боғларида мевали ва манзарали дарахтлар билан бирга кўк бинафша, садбарг, наргиз, боғ лоласи, тоғ лоласи, оқ ёсуман, сариқ арғун, сариқ бинафша, сариқ лола, гули раъно, сариқ ёсуман, нилуфар, қаранфулгул, гултожихўроз кабилар ўстирилган. Бу гуллар навбати билан бирин-кетин очилиб турган.

Алишер Навоийнинг замондоши Зайнуддин Восифий эса Тошкент ташқарисидаги боғларда атиргуллар, лолалар, райҳон, бинафшалар, савсар, гулхайрилар ўстирилганлигини ёзади.

Сахий табиат бизга турли-туман гуллар инъом қилган. Шу гуллар орасида ўзининг дилкаш ранги, жозибали кўриниши, нафислиги билан ажралиб турадигани тоғ лоласидир. Шоир Саъдий ўзининг 1258 йилда ёзган «Гулистон» достонида лола гулига ажойиб таъриф берган. Шеърият мулкининг султони Алишер Навоий ҳам Самарқандда яшаб, ижод этган йиллари ўз шеър ва достонларида лоладан гўзаллик рамзи сифатида ўринли фойдаланган. У ҳатто лолаларнинг турли навлари борлигини ҳам айтиб ўтган. XV аср охири XVI аср бошларида яшаб ижод қилган буюк шоир ва адиб Заҳириддин Муҳаммад Бобур лола ҳақида, унинг турлари тўғрисида шундай ёзган эди: «Бу замонда (тоғ этагида) ранго - ранг ҳар нав лола бўлур. Бир қатла санъатим, ўттиз икки, ўттиз уч нав ғайри мухаррар лола чиқди. Бир нав лола бўлурким ондин қизил гул ҳиди келур, лолаи гулбўй дер эдик. Дашти Шайхда бир парча ерда бўлур, ўзга ерда бўлмас...»

«Туркистон қишлоқ хўжалиги» журналининг 1911 йил 2-сонида «Туркестанские тюльпани» номи билан берилган мақолачада голландиялик Рейнирс Бржезинск ва варшавалик Лясицк Ўзбекистонда ўсадиган лола пиёзларининг 10 донасини 2 сўмдан сотиб олиб кетганлиги ёзилган.

Нафисликда тенги йўқ бу гул диёримизнинг хушманзара жойларида кўп учрайди. Сахий табиат бағридан ўрин олган қизил, оқ қизил, тўқ қизил, сарғиш, тарғил ва бошқа ранглардаги лолалар якка-якка ҳолда, тўп-тўп бўлиб ўсади.

Лола—хушбўй гул бўлиши билан бирга, тиббиёт фани мутахассисларининг таъкидлашларича, унинг шифобахш хусусияти ҳам бор экан. Халқ табобатида лола пиёзи ревматизм, юрак, қон-томир касалликларини даволашда қўлланилади.

Марказий Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда қадим даврлардан бошлаб, ҳар хил хушбўй гуллар ўстириш ва турли номлар билан гул сайиллари ўтказиш кишилар ҳаётида одат тусига кириб қолган. Испан қироли Генрих III элчиси Руи Гонзалес де Клавихо ҳамда тарихчи Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича Самарқанд атрофидаги боғларда, қир-адирларда тантанали маросимлар — сайиллар ўтказилган. XIX асрда яшаган тошкентлик муаррих Муҳаммад Солиҳнинг «Тарихи жадидий Тошканд» («Тошкентнинг янги тарихи») номли асарида таърифланишича, баҳор мавсумларида шаҳарнинг шимоли-ғарбий ва ғарбий дарвозалари орқали Дашти қипчоқ (жанубий Қозоғистон)га йўналган қадимги карвон йўлининг қарийб уч фарсаҳлик (18 километр) масофадаги адирлик лолазор билан қопланган. Бу лолазор ҳар йили баҳор мавсумида тошкентликларнинг лола сайлига чиқиб, дам олиб қайтадиган истироҳатгоҳи бўлган.

1870 йилда асир тушган ва Хивада бир неча йил яшаган И.Ильичков руслар келишидан олдин бозор майдонларида, кўча-кўй ва шаҳар атрофларида, шунингдек баҳорда, лола байрамларида сайил ва томошалар ўтишини, унда жуда кўп созанда, рақкоса ва актёрларнинг қатнашганларини ёзади. XIX асрнинг 80-йилларида Хивада яшаган яна бир рус зобитининг хотини А.Карцева Хоразмда «Наврўз» ва «Лола» байрамлари жуда кенг миқёсда ўтказилганлиги ва унинг гувоҳи бўлганлигини шундай таърифлайди:

«Одам кўп, гавжум сайил... Иккита хитойча қайиқ ишланиб, тепасига қамишдан соябон ясалган ва қоғоз ёпиштирилиб бўялган. Қайиқ ичига фонарчалар осилиб, соябон тагида хитой кийимида бир «аёл» ўтирарди. Бир неча киши қайиқларни кўтариб томоша майдонига олиб келадилар. Бу қайиқ тунда жуда чиройли манзара туғдирган эди. Томошанинг бошқа қатнашчилари ҳам аёл кийимларини кийиб ясаниб олганлар. Ҳамма ашула айтади, ўйнайди, қайиқ «сузади», хурсандчилик авжига чиқади. Сўнгра ниқоб кийган «девлар» пайдо бўлади, улар ҳам ўйнайди. Ҳамма ёқни музика, ашула, кулги товушлари қоплаб олади. Томоша тонг отгунча давом этади». Шунингдек, 1800, 1813-1814 йилларда Қўқон, Наманган ва Тошкентда бўлган рус элчилари Бурнашев, Поспелов, Филипп Назаровлар ҳамда 1870-1880 йилларда М.Алибеков ва В.Наливкинлар юртимизда қадимдан зўр тантаналар билан нишонланган «Наврўз» ва «Лола» сайиллари тўғрисида ўз хотираларини ёзиб қолдирганлар.

Элшунос олима, тарих фанлари доктори Е.М.Пешерованинг ёзишича, халқ сайиллари айниқса 20-йиллари собиқ Қўқон уездининг Исфара қишлоғида жуда ҳам қизиқарли ўтар экан. Сайил айни лола очилган апрель-май вақтида бошланган. Сайил кунларида ҳамма ясаниб олиб, лола тергани қир-адирларга чиқишган. Тантанали байрам куни ва жойи белгиланганидак кейин яхши бир дарахт ёки унинг шоҳи кесиб келтирилиб, ёшлар териб келган лолалар билан кексалар шу дарахтни юксак дид билан безаганлар. Каттаю кичик безатилган дарахт атрофига йиғилиб, кекса отахонларнинг дуоси билан байрамни тантанали равишда бошлаганлар. Байрам ўтказиладиган майдон олдин чиройли гиламлар, кашталар ва нафис матолар (Соҳибқирон Амир Темур ҳам Конигилдаги сайил тантаналарини ҳам шундай безаган) билан безатилади. Сайил майдонида карнай, сурнай, доира овози янграб, ўйин-кулги, қизиқчилик, рақсга тушиш, ҳазил-мутойибалар авжига чиққан. Кечга яқин сайил тугагач, 100-150 киши оаф тортиб, қир-адирлар оша умумий хор билан ёқимли ашула айтиб, кейин қўлларида даста лола, гуллар билан ўз уйларига тарқала бошлаганлар. Исфаралик шоир Бобо Ғолиб ўша даврда бўлган лола сайлида айтилган қўшиқни мана бундай деб ёзади:

**Халқаро машҳур бўлди,**
**Исфаранинг лоласи.**
**Андижону, Марғилон**
**Қўқондадур овозаси.**

Шуни айтиш керакки, ана шундай энг яхши анъанавий маросим ва одатларимизни бугунги Мустақиллик кунларимизда янги шакл ва мазмун билан бойитиб ривожлантиришимиз лозим. Бинобарин яқин вақтлардан бошлаб гул билан боғлиқ бўлган бошқа бир қанча маросимлар пайдо бўла бошлади. Бу «Гул байрами» ўтказиш маросимидир. Бундай байрам одатда август ойида бўлиб, унда гул ишқибозлари ўзлари етиштирган янги нав гулларини кенг намойиш қиладилар.

Табиатнинг дилбар қизи гулни севиш ва уни қадрлаш, гулчиликни ривожлантириш, гул навларини кўпайтириш «Гул байрами» моҳиятини ташкил этади. У юртимизнинг ҳар бир шаҳри, тумани, қишлоғи ва маҳалласида, умуман мамлакатимиз бўйича оммавий ўтказилишга арзийди.

Рашид БОЙТУЛЛАЕВ.

*Халқ таълими ислоҳоти*

# ЎҚИТУВЧИЛАР ТАЙЁРЛАШ МУАММОЛАРИ

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий соҳадаги ислоҳотлари ва истиқболлари таълим мажмуи тизимида ҳам ҳар томонлама баркамол мутахассислар тайёрлашни сифат жиҳатидан такомиллаштиришни долзарб вазифа қилиб қўймоқда.

Халқлар Дўстлиги орденли Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 5 йиллиги ва шу институтнинг 60 йиллигига бағишланган «Халқ таълими тизимида бошланғич синф ўқитувчиларининг янги авлодини тайёрлаш муаммолари» мавзусида икки кун давом этган илмий-назарий ва амалий анжуман ана шу мақсадга хизмат қилди.

Анжуманнинг ялпи мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг бошлиғи Ҳ. Йўлдошев, психология фанлари доктори М. Давлатшин, иқтисод фанлари номзоди Б. Кальметов ва бошқаларнинг «Ўзбекистон Республикасида бошланғич таълимнинг ривожланиши ва тараққиёт босқичлари», «Ёш мутахассислар билан ишлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишлари», «Ўзбекистонда Олий ва ўрта таълим мутахассислари тайёрлашнинг илмий-иқтисодий асослари», «Бошланғич таълимнинг психологик омиллари» каби долзарб мавзулардаги маърузалари тингланди.

Анжуманнинг «Педагогика ва психология», «Хусусий услубиёт (она тили, рус тили, математика ва информатика), «Табиатшунослик, тасвирий санъат; меҳнат ва жисмоний тарбия» шўъбаларида пойтахт ва Республиканинг қатор вилоятларидан келган ўқув юртлари ва бошқа ташкилотлар вакиллари бўлган олимлар, тажрибали муаллимлар, ташкилотчилар ўзаро тажриба алмашдилар.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.



*Чилдирмаю ноғоранинг жаранги барибир ўзгача-да!*
*Рустам Шарипов олган сурат.*




***Пойтахтимиз аҳолисига кўрсатилаётган бугунги тиббий хизматнинг ташкилий жиҳати ва даражаси бундан беш-олти йил аввалгисидан анчагина фарқ қилишининг гувоҳи бўлиш мумкин. Ушбу ислоҳотлар хусусида шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармасига қарашли шаҳар бош шифокорлари кенгашининг раиси Адҳам Расулов шундай дейди.***

*16 июнь — Тиббиёт ходимлари куни*

# ҲАМИША САЛОМАТ БЎЛИНГ

— Ўтиш даврига хос вақтинча иқтисодий мураккаб вазият бўлсада, шаҳар соғлиқни сақлаш соҳасида туб ислоҳотлар ўтказилмоқда ва бу борада ижобий силжишларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Кўпдан бери ҳал этилмай келаётган зарур муаммо — туманларда туман соғлиқни сақлаш бўлимлари ўрнига замон талабига жавоб берадиган тизим барпо этишга эришилди. Хусусан шаҳар ҳокимининг қарорига асосан 11 та туманда шу йил 1 апрелдан бошлаб туман соғлиқни сақлаш бўлимлари ўрнига туман ҳудудий тиббиёт бирлашмалари ташкил этилди. Шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси раҳбарияти ташаббуси билан тажриба сифатида Яккасарой туманида тиббий хизматни такомиллаштириш, уни аҳолига яқинлаштириш мақсадида 17,19-катталар, 6-болалар поликлиникалари ва аёллар маслаҳатхоналари қошида оилавий поликлиникалар ташкил қилинди. Тумандаги поликлиникалардан бири марказий маслаҳат-ташхис марказига айлантирилиб, у аҳолига юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатади. Қолган поликлиникалар таркибида оилавий шифокорлик поликлиникалари барпо этилиб, у ерда 7 мутахассисдаги шифокор ишлайди. Оилавий поликлиникалар таркибида эса оилавий шифокорлик амбулаториялари ташкил қилиниб, унда 4 та мутахассис: жарроҳ, терапевт, болалар шифокори ва акушер-гинеколог оиланинг ҳар бир аъзосига бир вақтда тиббий хизмат кўрсатади. Бу услуб ривожланган давлатларда кенг тарқалгандир. Аҳоли томонидан билдирилган муносабатлар ва шифокорларнинг фикрига кўра, бу тадбирлар самарали эканига шубҳа қолмади.

Шаҳримиздаги даволаш-профилактика муассасаларида ўтган йили 8 та ихтисослашган марказ ташкил этилган эди, бу йил уларнинг сони 40 тадан ошиб кетди. Бу марказлар замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиб, уларга юқори малакали олимлар, мутахассислар жалб этилган. Соҳамизнинг асосий йўналишидан бири, давлат тараққиёт дастуридан алоҳида ўрин олган соғлом авлодни шакллантиришга қаратилган. Шу мақсадда туғруқхоналар, оналар ва болалар маслаҳатхоналари, поликлиникалар маҳалла шифокорлари фаолияти қайтадан кўриб чиқилди ва уларнинг иш услуби замон талабига мослаштирилди.

**— Маълумки, ҳар қандай соҳанинг моддий томони ижобий ҳал этилмай туриб, муваффақиятга эришиб бўлмайди...**

— Дарҳақиқат шундай. Буни яхши англаган шаҳар ҳокимлиги 1994 йили дори-дармон сотиб олиш учун 500 минг АҚШ доллари, бошқармага қарашли автобаза учун 150 минг АҚШ доллари ажратган эди. Бу йил эса тиббий ашёлар кўригидан асбоб-ускуналар сотиб олиш учун 270 минг долларга шартнома тузишга эришилди. Тез тиббий ёрдам хизматига 60 та янги автомашина олиб берилди. Бундан ташқари Сергели туманидаги «Одил» фирмаси вице-президенти Илҳом Мадусмонов фирма жойлашган 9 қаватли уйнинг биринчи қаватини таъмирлаб, керакли анжомлар билан жиҳозлаб, оилавий поликлиника очишга киришди. Бундай олижаноб ташаббус шаҳримизда кенг тарқалади, деб умид қиламан.

**— Дарвоқе шаҳримиздаги ҳар бир туман ҳокими ўз ҳудудида биттадан тиббий муассасани замон талаби даражасида таъмирлаб беришни зиммасига олган эди. Бу борада силжишлар кўзга кўриняптими?**

— Бугунги кунда Собир Раҳимов тумани ҳокимлиги ташаббуси билан янги-янги даволаш муссасалари барпо этилмоқда, давр талабига жавоб берадиган янги бинога кўчирилмоқда. Жумладан 4-поликлиника ва 7-болалар касалхонаси қўшимча қурилиш ҳисобига кенгайтирилаётир, қолганлари таъмирланмоқда. Тиббий ашёлар сотиб олиш учун етарли маблағ ажратилди. Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги томонидан эса иккита янги замонавий услубда қурилган поликлиника барпо этилмоқда, бошқа даволаш муассасалари таъмирланди. Шу тумандаги мақтовга сазовор яна бир ажойиб ташаббус шундан иборатки, тиббиёт ходимларига 5 та бепул уй ажратилди. Бундан ташқари Сергели ҳокимлиги ҳам бу борада бир қанча ташаббусларни амалга оширмоқда.

Бу ислоҳотлар туфайли эришилаётган ютуқлар, ижобий силжишларни кўриб ҳамма иш битди, муаммолар қолмади деган хулосага келиш тўғри бўлмайди. Ҳар куни зарур бўлган муаммолар ҳам кўп. Уларнинг ечимини излаш керак. Бунинг учун бор имкониятлардан самарали фойдаланмоқ зарур.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ ёзиб олди.

*Ибратли ҳикоятлар*

# НОМАЪЛУМ ДОНИШМАНД

***Ҳорун ар Рашиднинг мулозимларидан Фазл бин Робиъ шундай ҳикоя қилади:***

— Кунлардан бир кун Ҳорун ар-Рашид ҳаж зиёратига боришга аҳд қилди. Алавийларга ўз шавкатини кўрсатиш учун ўзининг юз минг қўшини билан Бағдоддан Макка сари юрди. Кунлардан бир куни халифа Каъбани тавоф қилмоқ ниятида масжидулҳарамга келди. У ерда ташриф қилувчиларнинг мансабига ёки улуғлигига қараб алоҳида жойлар ажратилмаган эди. Ҳамма кишилар эҳром кийимида эдилар. Аммо халифанинг атрофидагилар жамоат орасидан унга йўл очардилар ва ҳеч кимнинг халифанинг рўпарасидан чиқишига йўл қўймасдилар. Бир пайт зиёратдагилардан бири халифанинг орқасидан юра бошлади ва Ҳорун ар-Рашид қаерни тавоф қилса, халифадан сўнг у ҳам шундай қиларди. «Ҳажарул асвад» тошини ўпиш чоғида халифадан аввал тошни ўпди ва дуо ўқишни бошлади. У ердаги хизматчилардан бирининг жаҳли чиқиб деди:

— Эй аъроб! Аввал халифага йўл бермайсанми?!

У киши деди:

— Каъбада ҳамма учун баробарлик ва тенглик мавжуддир. У халифами ёки ғайри халифами фарқи йўқ. Бу ерда шаҳарлар билан биёбонлар ҳам тенгдирлар.

Ҳорун ар-Рашид деди:

— Тўғри айтадир.

Бир вақт халифа намоз ўқимоқликка чоғланди. У киши халифадан аввал намоз ўқишни бошлади. Халифа бадавий арабнинг жасоратини кўриб ҳайратда қолди ва зиёрат тугагач мулозимларига бадавий арабни ўз қошига келтиришларини буюрди. Мулозимлардан Ҳошиб уни бурчакда намозни тугатаётган ҳолда кўрди ва деди:

— Эй аъроб! Амиралмўминин сени чақиряптилар.

— Менинг ҳеч кимда ишим йўқ. Агар кимнинг менда иши бўлса, ўзи қошимга келади.

Мулозим бу хабарни халифага етказди.

— Рост айтибдур, — деди халифа ва ўзи бадавий арабнинг ёнига борди. Салом-аликдан сўнг деди:

— Ижозат берсангиз ўтирардим.

Аъроб деди:

— Хона на сеникимас, на меники. Агар хоҳишинг бўлса, ўтир.

Халифа бадавий арабга қараб, деди. — Ўзингни мен билан баробар биласанми?

— Эгнимиздаги эҳром кийимини кийишимиздан мақсад шулки, бу ерда шоҳу гадо ҳам тенгдур.

Халифа деди:

— Сендан бир савол сўрайман. Агар жавоб беролсанг яхши. Агар жавоб беролмасанг, оғир жазога буюраман.

Аъроб деди:

— Савол устозларнинг доно фикрларидан ёки такаббурлик юзасидан бўлиши мумкин.

Халифа деди:

— Илм толибларининг саволи кабидур.

— Ундай бўлса, шогирдларга ўхшаб ўтир, устознинг ҳар бир сўзини одоб билан тингла. Қандай саволинг бўлса сўра.

Халифа ҳайратдан ёқа ушлаб сўради:

— Вожиб илмлар қандай бўлишини билмоқчи эдим.

Аъроб деди:

— 1, 5, 17, 34, 94, 135, — 12-1—1 — 1 га 1.

Ҳорун ар-Рашид қаттиқ кулди ва деди:

— Мен сендан илм сўрасам, сонларни санаб бераяпсанми?!

— Эй халифа, магар билмайсанми жаҳон биноси ҳисоблидир ва дин ҳам ҳисоб билан устивор бўлур. Аллоҳ таоло ҳамма нарсанинг ҳисобини қилур. Қиёмат ҳам ҳисоблик, олам қонунларининг ҳаммаси ҳисоб билан олиб борилур.

— Юқоридаги сонлар нима маънони билдиради? — Бир деганим дини ислом, беш—беш вақт намоз, у ўн етти ракатдан иборат. Ўттиз тўртта сажда бор, 94 та такбир, 135 та тасбиҳ. Ўн икки — бир йил, бир—ўн икки ойда бир маротаба келадиган Рамазон ойи. Кейинги бир-бутун умр мобайнида имкон бўлса, бир марта ҳаж қилмоқлик. Бирга бир эса қасосдир, яъни худо йўлида яшаб, ўз балои нафси билан жанг олиб боришлик.

Халифа деди:

— Тўғри гапирдинг, энди сени бир халта тилло билан мукофотлайман.

— Мен совғага муҳтож эмасман.

— Бу совға тўғри ширин каломинг ва таълиминг учундир.

— Ҳозир мен сенга савол берай. Агар жавоб берсанг, мукофотингни ўзингга қайтараман. Жавоб беролмасанг, иккала мукофот ҳам меникидир ва фақирларга улашаман.

— Саволингни бер! — деди Ҳорун ар Рашид.

— Шундай бир жонивор бор, уни «хунфасо» деб атайдилар. Кўкраги билан боласига сут беради, оғзи билан таом беради.

— Эй аъроб! Мен каби халифага шундай савол берасанми?!

— Эшитганманки, эшитганларимни худонинг пайғамбарларидан эшитганлар. Кимки амир ёки халифа бўлса, унинг ақлу заковати қуйи табақалардан улуғроқ бўлмоғи керак. Агар сен ўзингни шундай қавмдан ҳисобласанг, ҳар қандай саволга жавоб бера олишинг керак.

— Ўзинг билурмисан?! Агар айтсанг, шу икки халтадаги тилло сеникидир.

— Сарвари олам шундай жониворларни яратганки, улар кўкраксиз, на оғизсиз ҳаёт кечирурлар. Балки уларнинг ризқлари ўзларида қарор топгандир. «Хунфасо» Арабистондаги қушнинг номи бўлиб, у локпўшт ёки кафтдўзак каби қушларга ўхшаб кетади. Қора рангда бўлади. Язд ва Кирмон аҳли уни «Болишэ мор» деб атайдилар. Уни газанда ҳисоблайдилар. Қушнинг қорнидан бадбўй ҳид келиб туради. У қушни ўлдирмайдилар, балки сих билан қорнидан тешиб деворга осиб қўядилар ва офтобда қуритадилар.

Халифа деди:

— Бундай қушни кўрмаган ва у ҳақда эшитмаган эканман. Энди шу икки халтадаги тилло ҳам сеники бўлсин. Мени шод қилдинг, шу билан бирга таълим бердинг.

У киши ўша ернинг ўзида халифадан олган тиллоларни фақирларга улашди ва ўз йўлида кетди. Халифа унинг ортидан тикилиб туриб деди:

— Бадавий қиёфасидаги донишманд экан. — Кейин мулозимларига унинг кимлигини ва қаерга кетаётганини билишни буюрди.

Мулозимлар у кишининг бадавий араблардан эмаслигини, пайғамбаримиз авлодларидан бўлиб исми Мусобин Жаъфар алайҳиссалом эканлигини айтдилар.

Халифа деди:

— Кўнглим сезган эди, чунки у кишининг сўзларидан илм дарахтидан ҳосил олганлиги кўриниб турарди.

# ТАСКИН

***Бир куни бир фақир Имом Ҳасан қошига келиб, ўзининг ночорлигидан шикоят қилди.***

Ўша куни Имом Ҳасаннинг қўлида пули йўқ эди, фақирни қуруқ жўнатишни истамади. Унга деди:

— Сени бир ишга юбораман, албатта бирор нарса берадилар. Шаҳар ҳокимининг қизи қазо қилган, у қизнинг қабри тепасида нола қилмоқда. Ҳеч ким унинг кўнглига таскин бера олмайди. Ҳозир сен унинг қошига борасан. Мен сенга нималар дейиш кераклигини ўргатаман. Ҳоким қошига бориб шундай дейсан: «Аллоҳга ҳамдулар бўлсинки, қизингни яхши ҳолатда тупроққа қўйдинг. Чунки у отасининг раҳнамолигида яшади. У сенинг қабринг тепасида ўтирмаяпти. Агар у отасиз, яъни етим бўлганида нажотсиз бўларди».

Фақир ҳокимга юқоридаги сўзлар билан таскин берди. Бу сўзлардан ҳоким таъсирланди. Кўз ёшларини артди ва мулозимларига фақирни тақдирлашни буюрди. Кейин ундан сўради:

— Бу мазмунли гапларни ўзинг топдингми?

— Йўқ, Ҳасан бин Али менга ўргатдилар, — деди фақир.

— Боракалло, рост гапни айтдинг. Имом Ҳасан ҳазратлари фасоҳат ва балоғат бобида мисоли туганмас ҳазинадурлар. — Ҳоким фақирга яна кўп ҳадялар инъом қилди.

Бахриддин ТУРҒУНОВ тайёрлаган.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

